



# TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,  
маданий-маърифий,  
адабий-бадиий журнал  
Икки ойда бир марта чиқади

## МУАССИС:

Қорақалпогистон Республикаси  
Беруний тумани ҳокимлиги

**ҲАМКОРЛАРИМИЗ:**  
ЎзРФА Қорақалпогистон бўлими  
Хоразм Маъмун академияси

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирохиддин САЙЙИД

Муҳаммад АЛИ

Кенгесбой КАРИМОВ

Иқбол МИРЗО

Гулистон МАТЕҶУБОВА

Қурбон ШОНИЁЗОВ

Аҳмад ОҚНАЗАРОВ

Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ

Муротбой ЖУМАНОВ

## БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

## БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал САЙДОВ

Нағмет АИМБЕТОВ

Ғайратдин ҲЎЖАНИЁЗОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Шорустам ШОМУСАРОВ

Каримбой ҚУРОМБОЕВ

Зарифбой ДўСИМОВ

Олмос УЛЬВИЙ

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Алима БЕРДИМУРОДОВА

Марат НИЁЗИМБЕТОВ

Алмагул БАЙРИЕВА

Яхшибека АБДУЛЛАЕВА

Машариб АБДУЛЛАЕВ

Ўқтам МАВЛОНОВ

Муҳаммадшариф ҲЎЖАНИЁЗОВ

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

Норбек ТАЙЛАКОВ

Сафо МАТЖОНОВ

Усербой АЛЕУВ

Мэлс ҚОБУЛОВ

Дониёр ҲОЖИЕВ

Бозорбой ОРАЗАЛИЕВ

**Рассом:** Алибек АБДУРАҲМОНОВ

**Саҳифаловчи-безови:**

Фиёсиддин ЎНАРОВ

**Техник мұхаррір:**

Улугбек САЙДОВ

**Ушбу сон** "Тамаддун нури" журнали  
таҳририятининг компьютерида  
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",  
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00  
"Филология" ихтисослиги бўйича  
рўйхатига киритилган.

# МУНДАРИЖА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОЛНОМАСИДАН

Атабек САЛАРБАЕВ. Мехнаткаш ҳалқимиз синовли даврни талофатларсиз ёнгиб ўтади. .... 2

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА. Буюк синовлар даври. .... 3

## ҲУҚУҚИЙ ТАРГИБОТ

Қуонч ҲОЖАМУРОТОВ. Иқтисодий судларда суд харажатларини тўлашнинг ҳуқуқий асослари. .... 6

## ТАРИХ

Умаржон ҲЎЖАМУРАТОВ. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигига фермерлик ҳаракатига тўлиқ ўтилиши. .... 8

Саламат СУЛАЙМОНОВ. Маевуда ҚИДИРБАЕВА.

Амударё сув йўленинг минтақа коммуникация тизимида тутган ўрни. .... 11

Мирзоҳид ШАРИПОВ. Тарихни ўзgartирган буюк соҳибкорон. .... 14

Камолиддин ТОШОВ. Сурхондарё вилояти аҳолисининг фронтга юборган моддий ёрдами. .... 18

Умид БЕКИММЕТОВ. Кўулқ қилингандар қисмати. .... 22

Маърифат ҲАНДАМОВА. Беруний асарларида қадимги юон фалсафаси талқуни. .... 25

Дилфуз ҚУДАЙБЕРГЕНОВА. Ҳайкел – қорақалпоқ ҳалқи аёллари безаниш буюми. .... 30

Бахтиёр РИЗАЕВ. 1950-1960-йилларда Бухоро вилоятида ички миграция жараёнлари: тарих ва таҳлил. .... 33

Садоқат МАТКАРИМОВА. Хоразм воҳасида қовун ва унинг хосияти. .... 38

## МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХ

Нилуфар КОШАНОВА. Аёзқалъя – Аму дельтасининг муҳим стратегик иншооти. .... 40

## ФАЛСАФА

Ғуломжон САПАЕВ. Шермуҳаммад Мунисининг гуманистик қарашлари. .... 44

Гулноза СУЛТАНОВА. Эвристика ва инновацион тафаккур. .... 48

## ФИЛОЛОГИЯ

Қуончидик ОЛЛОЁРОВ. Сўнажон АҲМЕДОВА

Хоразм достонлари ономастик тизимида туркий асосли номларнинг кўлланилиши. .... 51

Иномжон МАДИЯРОВ. Тез айтишларда кофия. .... 54

Гулноза ЭРНАЗАРОВА. Жадид шеъриятининг фалсафий медитатив хусусияти. .... 58

## ЭТНОЛИНГВИСТИКА

Маевуда ФАЙЗУЛЛАЕВА. Миллат маънавиятида сўзлар тарихининг ўрни. .... 62

## НАСР

Собир ЎНАР. Алла. Ҳикоя. .... 66

## PEDAGOG MINBARI

Nasiba MARIMOVA. "Eng qadimgi odamlar rivojining ilk bosqichlari". .... 70

Dilorom ALLAMOVA. Bir noma'lumli butun koeffitsiyentli chiziqli tenglamalarni yechish. .... 78

## НАЗМ

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА. Каломи барҳаёт забоним бўлса.. .... 73

## ОНА САЙЁРА – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Муҳайё САТЛИКОВА. Оролга эътибор – келажакка эътибор. .... 76

**Манзилимиз:** Қорақалпогистон Республикаси, Беруний тумани  
"Ҳалқлар дўстлиги" кўчаси, 11-й. e-mail: qurbanboyeva@inbox.ru

Тел.: (+99899) 504-84-84

Босиша 28.05.2020 йилда руҳсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ½. Нашриёт ҳисоб табоги 6,5. Индекс – 960

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот

агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчирниб Bosilganda "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиси шарт. Матн

хамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдор.

Таҳририята келган кўлёзмалар тақриз қўлинимайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 21.

Адади 2000 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-й.

ISSN 2181-8258

# ТАРИХНИ ЎЗГАРТИРГАН БУЮК СОҲИБҚИРОН



Мирзоҳид  
**ШАРИПОВ,**  
Чирчиқ давлат  
педагогика инсти-  
тути ижтимоий  
файлар кафедраси  
ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг марказ-  
лашган давлатга асос солиши ваadolatli давлат сиёсатини  
олиб бориши ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни таҳлил  
қилинган.

**Калим сўзлар:** лашкарбоши, адолат, солиқ, жанг санъати,  
Темур тузуклари, Олтин Ўрда, қўшин, ҳарбий юриш.

**Аннотация:** В статье анализируется роль Амира Темура в  
создании централизованного государства и проведении справед-  
ливой государственной политики, а также его роль в мировой  
цивилизации.

**Ключевые слова:** главнокомандующий, справедливость, на-  
лог, искусство войны, Уложение Темура, Золотая Орда, армия,  
военный поход.

**Annotation:** In the article the role of Amir Temur was analyzed in  
creating a central state and pursuing a fair state policy, as well as its role  
in world civilization.

**Key words:** commander in chief, justice, tax, martial arts, Laying of  
Temur, Golden Horde, army, military campaign.

**Б**уюк давлат арбоби Амир Темур ўзининг ўткир ақл-заковати, ноёб  
муносиб ўрин тутади. Моҳир саркарда, тадбирли давлат арбоби,  
илм-фан, маданият ҳомийси сифатидаги фаолияти дунёнинг эллиқдан ортиқ  
давлатларида ўрганилган ва унинг фаолияти ёритилган бетакрор илмий ва  
бадиий асарлар яратилган. Ҳазрат соҳибқирон марказлашган давлатга асос  
солди, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, ривожлантириб, шон-шуҳратини  
бутун жаҳонга ёди, буюк салтанатнинг хукмдори сифатида миллатлар ва  
халқларни бирлаштириди. Унинг хукмдорлик йилларида маданият, илм-фан,  
меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърият юксак чўққига кўтарилиди.  
Бир сўз билан айтганда, темурийлар даври ренессансига асос солинди.

Соҳибқирон Амир Темур Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шахри яқинидаги Хўжа  
Илғор қишлоғида 1336 йил 9 апрелда (ҳозир Яккабоғ тумани ҳудудида) та-  
валлуд топган. Унинг онаси бухоролик Такина хотун, отаси эса барлос уруғи-  
нинг ва Чигатой улусининг эътиборли бекларидан бири бўлган Амир Тарағай  
баҳодир эди. Унинг ота-боболари Кеш вилоятида ҳокимлик қилиб келишган.  
Амир Темур ва темурийлар салтанати Ўрта Осиё давлатчилиги тарихининг  
энг порлок давридир (1370-1506 йиллар). Бу даврда яратилган моддий ва  
маънавий ёдгорликлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шара-  
фиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарлари ҳамда  
“Темур тузуклари” ҳозирги кунга қадар ўз машҳурлигини йўқотмаган.

Собиқ иттифоқ даврида Амир Темур фаолияти ва давлатчилигини ўр-  
ганиш тазиий остига олинган вақтда академик Иброҳим Мўминов “Амир Тे-

мурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” мавзусида рисола тайёрлаб, темурийлар даврини холисона ўрганиш ғоясини илгари сурган. Ушбу рисолада шундай фикр келтирилади. “Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади” [2.14-б].

Дунёнинг турли мамлакатларида таникли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва адиллар ўз ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти давомида буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносаби улушини юксак эътироф этиб келади. Буюк аждодимизнинг энг муҳим фазилатларидан бири шуки, у зот бундан олти аср аввал давлатлараро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, узоқ ва яқин халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш ўз салтанати ёрқин истиқболини таъминлашнинг муҳим омили эканини теран англаган. Шу боис, Ёвропа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи томондан – Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқа ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга интилган. Француз шарқшунослари соҳибқирон асос солган буюк сулола тарихини ёритища фақат ҳарбий юришлар ва амалга оширилган ишлар солномасини тузиш билан чекланмасдан, ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мағкуравий муҳитини ҳамда Амир Темурга ва унинг авлодларига хос соғ инсоний фазилатларни, уларнинг давлат, жамият, дин ва илм-фанга бўлган муносабатини ҳам атрофлича тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берадилар. Шўролар даврида Амир Темур тўғрисида илиқ сўз айтиш айб, ҳатто жиноят ҳисобланган бир пайтда, яъни 1987 йил 22 марта Парижда “Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш ва француз-ўзбек маданий ҳамкорлиги” уюшмаси тузиленган. Уюшма Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданиятини тарғиб қилиш борасида дунёда биринчи тузиленган ташкилотdir. Унинг асосий мақсади Амир Темур ва темурийлар маданияти, санъати, шунингдек, Буюк ипак йўлнинг муҳим қисми, Шарқ ва Farb маданиятларининг чорраҳаси бўлмиш Марказий Осиё тарихи ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси билан кенг француз оммасини таниширишдан иборат. Бунинг яққол далили сифатида улар Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро, Ҳирот, Балх ва Шимолий Ҳиндистондаги тенгсиз Шарқ меъморчилик дурдоналарини мисол қилиб кўрсатадилар. Шу мақсадда уюшма турли темурхонлик кечалари, илмий анжуманлар, кўргазмалар ўтказиб туради [4.3-б].

Амир Темур ўз фаолиятининг биринчи даврида барча ҳаракатини Мовароуннахрда тушкунлик ва ҳалокатга юз тутган Чигатой улуси ўрнига бирлашган ва марказлашган мустақил давлат тузишига қаратди. Мовароуннахрда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, унинг дастлабки тадбирларидан бири режали асосда қурултойлар ўтказиш бўлди. Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида Амир Темур томонидан Қарши, Қорабоғ, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўтказилган қурултойлар ҳақида маълумот бериб, уларга барча шаҳзодалар, бош амандорлар, маъмурий раҳбарлар ва лашкарбoshilar иштирок этганлигини таъкидлаб ўтади.

Соҳибқирон Марказий Осиёни мўғуллар зулмидан ҳалос этиб, ўзи асос солган давлат бошқарувида адолатли сиёsatни амалга ошириди. Амир Темур амал қилган “Куч адолатда” тамоили фикримизнинг яққол исботидир. Соҳибқирон “Темур тузуклари”да давлат бошқарувида тўрт нарсага доимо амал қилганини таъкидлайди, улар: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик.

“Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. Донишмандлар демишларким, ўз ўрнида қилинган тадбир билан саноқсиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгид бўлур” [1.17-б].

Амир Темурнинг ўзига хос хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ бир қарор қабул қиласи эди. Одатда, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт ва дин арбоблари билан шахсий сұхбатлар ўтказарди. Бу сұхбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида Мовароуннахр ва Хоразмдан ташқари, Олтин ва Оқ Ўрдалар, Хурсон, Ҳиндистон, Эрон, Ирок, Туркия, шунингдек Farb мамлакатлари подшоҳликларига оид ишлар ҳақида гап бораради. Соҳибқирон илм-маърифатли инсон бўлиб, олим ва уламоларни доимо ўзига яқин тутган, ҳамда уларни кўллаб-қувватлаган. Янги бунёд этилган Боилкан шаҳрида чақирилган олим-фузалолар кенгашида Амир Темур нутқ сўзлаган. Соҳибқирон ўз нутқида шундай дейди:

“Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантириш. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганилиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сиз-

ларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди. Бу олийжаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан” [2.23-б].

Амир Темур саройида ўз даврининг энг машхур олимлари жамланган бўлиб, уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Соҳибқирон улар билан илм-фаннинг математика, астрономия, адабиёт, меъморчилик, тарих, мусиқа ва дин каби соҳаларида қизғин суҳбатлар ўтказар эди.

Амир Темурнинг давлатда амалга оширган солиқ сиёсати муҳим аҳамиятга эга. “Темур тузуклари”да шундай ёзади: “Амр эттимки, раиятдан мол-хирож йигишда уларни оғир аҳволга солишиндан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг куч-сизланишига олиб келади” [1.156-б].

Мамлакатда ҳосил йиғиб олинмасдан олдин солиқ тўплаш қатъий ман этилган. Солиқлар ҳалқдан асосан тушунтириш ва қонунлар йўли билан ундирилган. Солиқчиларнинг қарздор шахсга нисбатан қаттиқ чоралар кўриши таъкиқланган эди. Бирор шахс ўзлаштирилмаган ерни олиб, уни ишлаб, суғориб, экин экса ёки ташландиқ ерни экин экиш учун яроқли қилса, биринчи йил солиқдан озод қилинар эди. Иккинчи йил ўзи истаганича тўлар, учинчи йил эса солиқлар ҳақидаги умумий қоидага асосан солиқ тўларди.

Мамлакатда савдо-сотиқ, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Бир кунлик йўл масофасида карвонсаройлар қурилган бўлиб, улар қоровул ва йўл соқчилари билан таъминланган. Улар йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга ғамхўрлик қилар, содир бўлган ўғирликлар учун жавобгар эдилар. Ҳар бир шаҳарда масжид, мактаб, мадраса, камбағал ва мискинлар учун ғарифхоналар, доимий табиблар билан таъминланган шифохоналар барпо этилган. Экин майдонлари ва фуқаролар хавфсизлигини таъминловчи маҳсус соқчилик ташкил этилган.

Дунё олимларини ўзига тортиб келаётган ва ҳозирги кунга қадар чукур ўрганилаётган соҳа бу Амир Темурнинг жанг санъатидир. Соҳибқирон қўшинлари ўз даврида дунёдаги энг курдатли армия ҳисобланган. Ҳарбий тарих Амир Темурни ҳақли равишда жаҳондаги энг йирик лашкарбошилардан бири деб ҳисоблайди. Соҳибқироннинг жанг санъати нафақат чор Россиясининг зобитлари, балки большевиклар томонидан ҳам ўрганилган. 1918 йилда ташкил этилган “Қизил комиссарлар курслари”да Амир Темурнинг ҳарбий санъати

алоҳида ўрганилган. Михаил Фрунзе ва Аркадий Гайдар каби саркардалар соҳибқирон шахсини жуда ҳурмат қилишган ва ҳар иккаласи ҳам тўнгич ўғилларига Темур деб исм қўйишган [3.7-б]. Чор қўшинлари генерали Михаил Иванин “Мўфул-татарлар ва Ўрта Осиё ҳалқарининг Чингизхон ҳамда Амир Темур даврларидаги ҳарбий санъатлари ва истилолари ҳақида” номли асар ёзган, бу асар 1875 йил Санкт-Петербургда Бош штабнинг ҳарбий-илмий қўмитаси томонидан нашр этилган.

Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда, яъни қўшинни қайта ташкил этишда ва лашкарбоши-қўмандонлиқда намоён бўлади. Мунтазам қўшин салтанатнинг асосий пойдевори бўлганлиги учун ҳам Амир Темур унга катта эътибор берди. У ўз армиясини ҳарбий жиҳатдан такомиллашти-раркан, қўшин бошлиқларини танлаш, тарбиялаш, ўрнига қўйиш, ҳарбий қисмларни жойлаштириш, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Унинг қўшини асосан уруш пайтида тўпланадиган лашкарлардан иборат бўлиб, туман, минглик, юзлик, ўнликлардан ташкил топган. Туманларда аскарларнинг сони 10 минг, қўшинда 100 минг нафардан ортиқ бўлган. Темур ўн минглик лашкарларни бошқариш учун “мириҳазор”, юзликлар учун “қўшинбоши”, ўнликлар учун эса “айлбоши” каби ҳарбий унвонларни таъсис этган [5.3-б].

Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”да қўшинларнинг ҳарбий парадини ажойиб тасвирланган. Амир Темур шоҳона безатилган баландликда туриб, олти юздан иборат қўшин бирлашмаларининг парадини қабул қиласди. Бу қўшинларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ темир уст-бош кийиб, байроқ кўтариб, ноғора садолари остида бир хил қадам ташлаб бораардилар. Амир Темур турган жойга яқинлашгач, ҳарбий қисм бошлиқлари бўлинмалидан ажралиб, Соҳибқиронга яқин келиб таъзим қиласди, ўзи ва қўл остидаги аскарларнинг содик эканликларини билдирадилар [2.39-б].

Соҳибқирон 3 йиллик, 5 йиллик ва 7 йиллик ҳарбий юришлари билан тарихда ўзига хос ном қозонди. Амир Темур забт этилган ҳудуд ёки салтанатда зудлик билан тартиб-интизом, адолат ва барқарорликни ўрнатишга ҳаракат қиласди. Ахоли ҳолидан хабар олиб, етим-есирларнинг бошини силаган, олимлар, тарихчиларнинг ҳурматини жойига қўйиб, уларга шарт-шароит яратиб берган. Узлуксиз урушлар даврида ҳам ободончиликка катта эътибор берганини кўплаб тарихий манбалар тасдиқлайди. Амир Темурнинг юришлари ўз навбатида кўплаб Европа, Осиё ва Африка давлатларининг мустақилликка эришишларини тезлаштириди.

Шарқшунос олим А.Ю.Якубовский томонидан 1957 йилда нашр этилган “Ўзбекистон ҳалқлари тарихи”да Амир Темурнинг ҳарбий юришларига холисона баҳо берилган. Унда шундай фикрлар

келтирилган: “Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Сарой Берканинг бузиб ташланиши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини хеч ўнглай олмади. Қадимги Русга қанчадан-қанча жабр-зуулм ўтказган давлат жуда заифлаши. Мамай қўшинларининг 1380 йилда Куликово майдонида тор-мор этилиши Олтин Ўрдага берилган биринчи зарба эди. 1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва Саройнинг тор-мор қилиниши эса Олтин Ўрдага берилган охирги зарба бўлди. Гарчи Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди” [2.52-б].

Амир Темурнинг Европа халқларига кўрсатган иккинчи хизмати усмонлилар сultonни Боязид Йилдиримни Анқара ёнидаги жангда тор-мор этишидир. Соҳибқироннинг бу ғалабаси Константинополнинг турклар томонидан босиб олинишини 50 йил ортга суриб, Европа давлатларининг ҳарбий жиҳатдан ўзларини ўнглаб олишлари учун имконият яратиб берди. Шунинг учун ҳам, кўплаб Европа манбаларида Амир Темурни ҳақли равишида “Европа халоскори” деб аташган.

Шўролар тузуми даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндошилиб, бир ёқлама баҳо берилиб келинди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бундай қарашларга барҳам берилиб, Амир Темурнинг мамлакатимиз ва жаҳон тарихида тутган ўрни муносиб

қадрланди. Ўзбекистонда унинг фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди, ҳамда номи абадийлаштирилди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги шоҳ қўчалар, майдонлар, мактаблар ва кинотеатрларга Амир Темур номи берилди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкаллар ўрнатилди. Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар тарихи давлат музеи барпо этилиб, музей темурийлар даврига оид турли экспонатлар билан бойитиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда буюк давлат арбоби, саркарда ва соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлодни тарбиялашда ибрат бўлиб хизмат қилиши бекиёс аҳамиятга эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темур тузуклари. Тошкент, 2019 йил.
2. И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., “Фан”, 1993 йил. 55 бет.
3. М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати ва сиёсати. Тошкент, 2019 йил.
4. А.Саидов. “Француз олими Амир Темурнинг сиёсий заковатига, дипломатик маҳорати ва бунёдкорлигига тан берган”. Халқ сўзи. 03.10.2018 йил.
5. Р.Эрназаров. “Темур тузукларида жанг санъати”. [www.postda.uz](http://www.postda.uz). 08.04.2019 йил.

